

Зафар НАЖМИДДИНОВ,

*Наманган муҳандислик-технология институти
катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди*

ЗАНДАВИСАТИЙ АСАРЛАРИДА ИСЛОМ ИЛМЛАРИНИНГ ЎЗARO УЙЎНЛАШУВИ

Сомонийлар даврида яшаган ҳанафий фақиҳлари мероси тўла ўрганилмай келмоқда. Абу-л-Ҳусайн Али ибн Яҳё ибн Муҳаммад ал-Мубтағий ал-Бухорий аз-Зандависатий (ваф. 382 ҳ./992 й.) бу даврда яшаган фақиҳлардан бири бўлиб, унинг асарларида фикҳ, тасаввуф ва ҳадис илмлари ўзаро уйғунлашиб кетган.

Ўрта аср манбаларида Зандависат қишлоғининг этимологик маъноси ҳақида изоҳланмайди. “Ал-Ансоб” муаллифи Абд ал-Карим ас-Самъоний “Занд” билан бошланувчи нисбаларга эга ҳадис олимлари ҳақида маълумот берган¹. Бу асосида X асрда Бухоро ва унинг атрофларида Зандармисан, Занданиё, Зандаромиш ва Зандан каби қишлоқлар бўлгани ва бу ерларда ўнлаб ҳадис олимлари яшаганини ишонч билан айтиш мумкин. Самъонийга кўра, “Занд” аслида Моний томонидан

Зардўшт асарига ёзилган шарҳнинг номидир. Зардўштийлар ичида “зандиййа” номли диний оқим бўлган. Бу маълумотларга асосланган ҳолда, Али ибн Яҳёнинг туғилган ери бўлмиш Зандависат қишлоғи Бухорода ислом тарқала бошлаган илк даврларда ҳам зардўштийликнинг асосий марказларидан бири сифатида давом этганини тахмин қилиш мумкин.

Али ибн Яҳё аз-Зандависатий ҳақида илк маълумот берган Абд ал-Қодир ал-Қураший куйидаги фатвони келтириш билан чекланади: “Зиммий намоз бошланган пайтда азон чакирган бўлса, унинг мусулмонлигига ҳукм қилинади”². “Ал-Жавоҳир ал-музиййа”даги ушбу маълумот кейинчалик бошқа ҳанафий биограф ат-Тамимий ал-Ғаззий (ваф. 1010 ҳ./1602 й.) томонидан айнан қайтарилган³.

¹ Ал-Ансоб. Абд ар-Раҳмон ибн ал-Муаллимий таҳрири остида. Ҳайдаробод: Дор ал-маориф ал-усмониййа, нашр санаси йўқ. 6-жилд, 331 – 332 бетлар

² Ал-Жавоҳир ал-музиййа фи табақот ал-ҳанафиййа. Абд ал-Қодир ал-Хулв таҳрири остида. Қоҳира: Дор Хиҷр, 1413 ҳ./1993 4-жилд, 222-б.

³ Ат-Табақот ас-саниййа фи тароҷим ал-ҳанафиййа. Истанбул, Ая София кутубхонаси қўлёзмаси № 1253. Вар. 162а.

Манбаларда Зандависатий вафот этган йил ҳам кўрсатилмаган. 382 – 992 йилни олим вафот этган сана сифатида кўрсатган замондош тарихчи олим Хайр ад-дин Зириклий (1893 – 1976) ўзи асосланган манба ҳақида сўзламаган.⁴

Усмоний империясида яшаган машҳур биограф Кафавий Зандависатийнинг илмий доираси ҳақида аҳамиятли маълумотларни беради. Унга кўра, олим ўз даврининг таниқли фақиҳ ва илоҳиётчилари Абу Ҳафс ас-Сафкардарий, Муҳаммад ибн Иброҳим аз-зарир ал-Майдоний ва Абдуллоҳ ибн ал-Фазл ал-Хайзоҳазийдан илм олган. Улардан Хайзоҳазий калом илмининг султони Абу Мансур ал-Мотуридийнинг бевосита шогирди бўлиб, ўз ҳаёти давомида устози каби ҳукмдордан узоқ бўлиш ғоясига эргашган эди.

Зандависатийнинг учта асари бизгача етиб келган бўлиб, улар араб тилида ёзилган:

- “Равзат ал-уламо ва нузхат ал-фузало” (Олимлар боғи ва фозиллар сайри). Асар кенг ҳажмли манба бўлиб, бугунгача дунёнинг барча асосий кутубхоналарида сақланувчи нусхаларда етиб келган. Саудия Арабистони пойтахти ар-Риёздаги Қирол Сауд университети кутубхонасида асарнинг битта тўлиқ ва битта ноқис нусхаси сақланмоқда. Бу эса олимнинг фикҳий, тасаввуф ва илоҳиёт соҳасидаги қарашларига машриқ ва мағрибда яшаган уламолар қизиқиш билдирганини кўрсатади.

Германиялик шарқшунос Фуад Сизгин (1924 – 2018) “Равзат ал-уламо” мансуб бўлган жанрни “Қуръон, ҳадис ва суфийларнинг сўзлари асосидаги диний-ахлоқий таълимот”, дея изоҳлаган⁵. Бу ҳолатда, анъанавий суфий табақот асарлари “Табақот ас-суфиййа”, “Нафаҳот ал-унс” ва “ар-Рисола ал-кушайриййа”да Зандависатий исми нега зикр қилинмагани номаълумдир.

- “Рисола фи-л-ҳикма ал-илоҳиййа” (Илоҳий ҳикмат ҳақида рисола). Асар номидан

унинг илоҳиётга оид экани англашилса-да, унда фикҳ масалалари ҳам муҳокама қилинганини ҳам кўриш мумкин. Бу асар бизгача Франция, Туркия ва Ҳиндистонда сақланувчи нусхаларда етиб келган.

- “Нузум ал-фикҳ” (Фикҳдаги низом). Асарнинг ягона нусхаси ЎЗР ФАда сақланади. Ушбу манба Ўрта Осиёда ханафий фикҳи соҳасида ёзилган илк асарлардан бўлиб, исломшунослик учун аҳамияти беқиёсдир.

- Библиограф Ҳожи Халифа ханафий мазҳаби асосчиларидан Муҳаммад аш-Шайбонийнинг “ал-Жомеъ ал-кабир”ига шарҳлардан бирини Зандависатийга нисбат беради.⁶ Бирок, ушбу шарҳнинг қўлёрмаси бугунгача топилмаган.

- Маккадаги “ал-Масжид ал-ҳаром” кутубхонасида сақланувчи асар четида котиб томонидан унинг Зандависатийга оид экани ёзилган (№ 3957/2). Манба билан бевосита танишиш бу фикрнинг бу хато эканини кўрсатмоқда.

Булар ичида энг кенг ҳажмлиси “Равзат ал-уламо” бўлиб, етмиш бобдан иборат. Китоб “Илм ва уламоларнинг фазли” (*faḍl al-‘ilm wa l-‘ulamā*) ҳақидаги боб билан бошланиб, “Салом беришнинг фазилати” (*faḍl as-salām*) билан якунланади. Асарнинг суфийлик соҳасида катта аҳамиятга эга бўлганини бобларнинг аталиши ҳам кўрсатиб туради. Масалан, учинчи боб “Олимларнинг зоҳидлиги” (*zuḥd al-‘ulamā*) ҳақида, ўн бешинчи боб эса нафс ва қалбни ислоҳ қилиш ҳақидадир (*iṣlāḥ an-nafs wa l-qalb*). Зандависатийга кўра, мусулмон киши учун энг афзал жанг ўз нафсига қарши уруш қилишдир.

Кириш қисмида ёзилишича, асар муаллифнинг ҳаётлик пайтидаёқ қайта таҳрир қилинган. “Равзат ал-уламо”нинг илк варианты нисбатан кичик ҳажмли бўлган ва унда тасаввуф мавзулари ўрин олган. Бундан хабардор бўлган олимнинг дўстлари ундан асарни кенгайтирган шаклда қайта ёзиб беришни сўраганлар. Натижада, китоб матнига фикҳ, ҳадис ва

⁴ Ал-Аълом. Нашр ери йўқ: Дор ал-илм ли-л-малойин, 2002. 5-жилд, 31-б.

⁵ Geschichte des arabischen Schrifttums. Leiden: Brill, 1963. 1-жилд, 670-б.

⁶ Кашф аз-зунун, 1-жилд, 569-б.

илоҳиёт мавзулари ҳам киритилган ва унинг номи энди “Равзат ал-уламо ва-л-музаққирин” деб ўзгартирилган.

Асарнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳар бир боб, одатда “фақиҳ айтди” (*qāla l-faqih*) ибораси билан бошланишидир. Таҳлиллар кўрсатишича, бу услуб олимнинг замондоши Абу-л-Лайс ас-Самарқандий (ваф. 373 х./983 й.) томонидан ҳам “Танбиҳ ал-ғофилин” да қўлланган. Айни пайтда, бу хусусиятни Х асрда фикҳ соҳасининг бошқа илмларга қараганда кўпроқ обрўга эга бўлгани билан изоҳлаш мумкин.

Ар-Риёздаги Имом Муҳаммад ибн Сауд номидаги ислом университети кутубхонасида “Равзат ал-уламо”нинг қисқартирилган варианты № 5677 рақам остида сақланмоқда. Бу асар Мавло Муҳаммад ас-Сабровий томонидан ихчамлаштирилган ва 884 х./1479 йилда Валий ад-дин Жунайд аш-Ширвоний исмли котиб томонидан кўчирилган. Манбаларда Сабровий ҳақида қўшимча маълумот учрамайди.

“Равзат ал-уламо”нинг Ўрта Осиёда ислом тарихи ва манбашунослиги учун аҳамияти унда Х асргача яшаган кўплаб таниқли фақиҳлар, мутакаллимлар, мутасаввифлар ва муҳаддислар исми учрашидир. Асарда энг кўп иқтибос келтирилган олимлардан бири Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Каморий бўлиб, Зандависатий ундан бевосита нақл қилган⁷. Каморийдан иқтибос келтирилган масалалар фикҳ ва илоҳиётнинг ҳар иккисига алоқадор ҳисобланади. Каморий айни пайтда бухоролик машҳур суфий, “Китоб ат-таъарруф” муаллифи Абу Бакр ал-Калобозийга (ваф. 380 х./990 й.) ҳам устозлик қилгани маълум. Зандависатий ва Калобозийнинг Бухорода бир пайтда яшаганларини ҳисобга олсак, улар бир-бирлари билан яхши таниш бўлганлиги тахмин қилиш мумкин.

Бухоро, у орқали эса Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарларида ҳанафий мазҳаби ўрнашида

айнан Абу Ҳафс ал-кабир ал-Бухорий (ваф. 217 х./832 й.) фаолияти асосий ўрин тутган. Ушбу илмий қарашнинг исботи сифатида “Равзат ал-уламо”да Абу Ҳафснинг Бағдодда узоқ муддат илм ўрганганидан сўнг она шаҳрига қайтгач, бухороликлар томонидан юсак иззат-эътибор билан кутиб олингани ҳақидаги ривоятни келтирилган. Зандависатийнинг бобоси Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Аз-Зоҳид ҳам Абу Ҳафс Ал-Кабирга мансуб илмий ҳалқага мансуб бўлгани алоҳида эслатиб ўтилган.

Асарда иқтибослик жиҳатидан Абу-л-Фазл ал-Бармағдарий юқори ўринларда туради. Манбаларнинг илк таҳлили асосида, Бармағдарий ёки унинг нисбасига асос бўлган Бармағдар номли қишлоқ ҳақида маълумотга эга бўлишнинг имкони бўлмади. “Равзат ал-уламо”нинг бешинчи бобида кўпроқ иқтибос келтирилган Абу Абдуллоҳ ал-Муттаввийъий эса аслида бухоролик суфий, “Уйун ал-мажолис ва сурур ад-дорис” муаллифи Тохир ибн Муҳаммад ал-Ҳаддодий бўлиши лозим (Зоҳирийга кутубхонаси қўлёзмаси № 7700). Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ал-Ҳаддодий эса унинг ўғлидир.

“Равзат ал-уламо”да асосий мавзулар тасаввуфга оид бўлиши билан бир қаторда, ҳадис, илоҳиёт ва фикҳ мавзуларининг ҳам ихчамроқ шаклда муҳокама қилинганини кўриш мумкин. Ҳадис иснодларини таҳлил қилиш орқали Х асрда Бухорода ҳадис илми ривожига оид билимларни чуқурлаштириш мумкин.

Муҳаммад ибн Нуъайм Бухоро ровийлари ичида энг машҳури эди. Унинг тўлиқ исми Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн Нуайм ин Али ибн ал-Фазл ал-Фағийтусиний бўлиб, бухоролик машҳур тарихчи Ғунжор унинг шогирди бўлган. Қуддусда яшаган ўрта аср муҳаддиси Зийо ад-дин ал-Макдисий (ваф. 643 х./1245 й.) ўзигача етиб келган Ўрта Осиё ҳадис иснодини қуйидагича баён қилган: Абу Муҳаммад Абд ал-Азиз ал-Ҳалвоний – Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Амр ибн аш-Шаъбий – Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн Нуъайм. Ушбу

⁷ Равзат ал-уламо. Риёз, Қирол Сауд университети кутубхонаси қўлёзмаси № 6820, вар. 66, 69, 99, 100, 146, 153, 163, 175, 186, 197, 206, 212, 226, 234, 242, 252, 253 – makhtota.ksu.edu.sa

исноддаги Ҳалвоний машҳур ҳанафий фақиҳ, бухоролик Шамс ал-аймма ал-Ҳалвонийдир (ваф. 448 х./1056 й.). Ибн Нуаймнинг шайхлари силсиласи эса қуйидагича: Муоз ан-Насафий – Ҳотам ал-Асамм. “Равзат ал-уламо”да Муоз ан-Насафийдан ўндан ортиқ ривоят мавжуд бўлиб, у ҳам тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келаётган суфий-муҳаддисларлардан бирidir.

Асарда Зандависатийга бевосита ҳадис ривоят қилган ровийлардан энг таниқлилари қуйидагилар:

Солиҳ ибн Муҳаммад ибн Солиҳ, Абу-л-Қосим ибн Аби Мансур, Аҳмад ибн Муҳаммад ал-муаллим ал-Жаволиқий ад-Дихқоний, Абу Муҳаммад Абд ар-Раҳмон ал-Муттаввийй, Аҳмад ибн Ашраф, Абу Бакр ал-Исмоилий ва Шарик ибн Абдуллоҳ ан-Нахайй.⁸

Юкорида айтиб ўтилгани каби, “Равзат ал-уламо”да муайян миқдорда фикҳий масалалар ҳам муҳокама қилинган бўлиб, уларни таҳлил қилиш орқали муаллифнинг ҳанафий фикҳида ҳам моҳир бўлганини айтиш мумкин. Маълумки, X асрда ҳанафий фикҳ асарлари сони жуда оз бўлган ва бу пайтда мавзуларни баён қилиш кетма-кетлиги ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган эди. Зандависатийнинг фикҳий мавзуларни баён қилиш услуби ўзига хосдир. У тасаввуф мавзулари ичида ўзи лозим топган пайтда фикҳий масалаларни ҳам уйғунлаштириб муҳокама қилган.

Жумладан, асарнинг биринчи бобида Қуръонни намозда форсча кироат қилиш, ҳайвонларни сўйиш ва савдога доир фикҳий ҳукмлар баён қилинади. Муаллиф яшаган даврда форс тили Ўрта Осиёда маҳаллий тил вазифасини бажарар эди. Асарнинг йигирма тўққизинчи боби намоз мавзусига бағишланган бўлиб, Зандависатий намозни форсча бошлаш (“Худой бузург!”) ҳақида тўхталган. Бу мавзуда уламолар икки хил бир-бирига қарама-қарши фикрни билдирганлар. Абу Ҳафс ал-кабир

ўз қарашида Абу Ҳанифага асосланган ҳолда “жоиз”, фатвосини берган бўлса, Ирок ҳанафий мактаби етакчиларидан Муҳаммад аш-Шайбоний ва Абу Йусуф эса рад қилганлар.

Йигирма бешинчи ва йигирма олтинчи боблар таҳорат масалаларига бағишланган бўлиб, жунуб кишининг рўза тутиши мумкинлиги ҳақидаги масала муҳокама қилинган.

Илоҳиёт мавзуларига (қабр азоби ва Мункар-Накир савол-жавоби) қирқ бешинчи ва қирқ олтинчи боблар бағишланган. Унинг алоҳида боб сифатида китобга киритилиши муаллиф яшаган даврда таъсир кучига эга бўлган ва эътиқодда қабр азобини инкор қилувчи муътазилыйя оқимиға раддия сифатида қабул қилиш мумкин.

“Равзат ал-уламо”нинг ислом оламидаги таъсири фақатгина Ўрта Осиё билан чекланмаган. Асли македониялик усмоний ҳанафий фақиҳи Ускубий (ваф. 1029 х./1620 й.) ўзининг “Муъин ал-муфтий” асарида бухоролик олимдан иқтибослар келтирган⁹. Иккинчи усмоний олими Муҳаммад ибн Оқсароний эса асарни усмонли турк тилига таржима қилган ва уни “Тафарруж ал-умаро” деб номлаган (Nuruosmaniye MS 2347).

Хулоса ўрнида қуйидагиларни айтиш мумкинки, бухоролик сермахсул ҳанафий олими Яҳё ибн Али аз-Зандависатий асарлари бўйича бугунгача олиб борилган тадқиқотлар тўлақонли эмас. Унинг қаламига мансуб бўлган асарларни нашрга тайёрлаш ва ўзбек тилига таржима қилишни ёзма меросимизни қўллаб-қувватлаш учун олиб борилаётган ишларга кичик ҳисса деб қабул қилиш мумкин.

“Равзат ал-уламо” ва “Рисола” асарларида илгари сурилган тасаввуф ғояларидан бугунги кунда долзарб бўлиб турган вазифа – экстремистик гуруҳларга қарши маърифий-ғоявий кураш олиб бориш ишларида кенг қўллаш мумкин.

⁸ Бухоро ровийлари ҳақида турк тадқиқотчиси Ҳасан Курт батафсил тўхталиб ўтган – “Orta Asya’nın İslamlaşma Süreci (Buhara Örneği). Истанбул: Fecr Yayınevi, 1998.

⁹ Истанбул, Нуруосманийе кутубхонаси қўлёзмаси № 1970, вар. 201а.